2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

30 (632)

2008 йил 23 июль

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ Руҳимиз пок, виждонимиз уйғоқ бўлсин!

▶ Рўзимуроднинг муроди нима?

3

▶ Кекса ўқувчи уқувсиз чиқди

▶ Алпомишнинг йигитлари алпқомат

4

▶ "Сирингни пинҳона сақла, эй дил..."

▶ Олимпиада учун уз-у-ун автобус...

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:***

**1.** 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

**2.** 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 25040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 49600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 25040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 49600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдорида белгилансин.

**3.** Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

**5.** Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

**6.** Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**9.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини, 2007 йилнинг ноябрь ойида юртимизда иш бошлаган АҚШ элчиси ўтган давр мобайнида Ўзбекистондаги ҳаёт билан яқиндан танишганини таъкидлади.

— **Сиз Ўзбекистондаги ҳақиқий вазият ҳақида АҚШга бошқа турли манбалардан етиб борадиган ахборотлардан фарқли бўлган материаллар тўплаш имконига эга бўлдингиз,** — деди Ислом Каримов. — **Бу ўзаро ишончли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омилдир.**

Р.Норланд самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида босқичма-босқич тараққий этишига ишонч билдирди. Унинг фикрича, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик, шу жумладан, Афғонистонни тиклаш билан боғлиқ масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш муҳим. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, гуманитар соҳадаги қўшма лойиҳаларни ижро этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоқаларни давом эттириш керак.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ҲАСТИМОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.***

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу қутлуғ қадамжода кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Олий мартабали меҳмон зиёратни Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишувдан бошлади. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида яратилган лойиҳа асосида 2007 йили бунёд этилган.

Кувайт Давлати Амири XVI асрда бунёд этилган нодир тарихий обида – Мўйи муборак мадрасасида бўлди. Ўтган йили мадраса биноси тубдан қайта таъмирланиб, Усмон Мусҳафи музейига айлантирилди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бу ерда муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини кўздан кечирди. Маълумки, ушбу мўътабар масканда халифа Усмон даврида (644-656) кийик терисига кўчирилган қадимий Қуръони Карим (Усмон Мусҳафи) сақланмоқда.

Олий мартабали меҳмон ушбу ноёб тарихий меъморий обидалар ўзида катта таассурот қолдирганини эътироф этаркан, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ мажмуанинг мўътабар меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

**(ЎзА)**

# Равон кўчалар шаҳримиз кўрки

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан*

Тошкент шаҳри

***Юртимизнинг мустақиллиги байрамини ҳар йили катта ободончилик ишлари, яратувчанлик билан қаршилаймиз. Бугун юртимизнинг қай гўшасида бўлмасин, бунёдкорлик ишлари авжида. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги туманидаги Паркент кўчасида айни кунларда катта кўламдаги қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Ҳаракат серқатнов бўлган кўча кенгайтирилиб, автотранспорт воситалари соҳиблари ва пиёдалар учун қулайлик яратилди. Қурилиш ва пардозлаш ишларини "Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш" трести қурувчилари замонавий техника воситалари кўмагида амалга оширмоқда.***

**СУРАТДА:** *Паркент кўчасининг янги қиёфаси; асфаль ётқизиш ускунаси машинисти Улуғбек Исроилов.*

**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# ПОЛМОНЛИК ЁШЛАРНИНГ ОРЗУСИ

**Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида тўлиқ рўёбга чиқади**

***Шаҳрисабз туманидаги Полмон қишлоғи ёшларининг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқадиган бўлди. Бу ерда компьютерлашган синф хоналари, фан кабинетлари, ёпиқ ва очиқ спорт зали, стадион бир сўз билан айтганда, барча қулайликларга эга бўлган замонавий мактаб-интернат қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.***

Қисқа вақт ичида бу ерда 600 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилганлиги мактабнинг республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида ишга туширилишидан далолат бериб турибди.

Ёшлар йилида вилоятда 12045 ўринга эга бўлган 17 та янги коллеж ҳамда 4747 ўринли 19 та янги мактаб ишга туширилади. Шунингдек, янги ўқув йилига қадар 122 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилади. Давлат бюджетидан ташқари мактабларни қайта қуриш ва уларни замонавий ускуналар, спорт анжомлари билан таъминлашга ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 11 млрд. 976 млн. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.**

Йил моҳияти

# МУЗЛАТГИЧ КЕРАКМИ ЁКИ ТЕЛЕВИЗОР? МАРҲАМАТ!

**Ёш оилаларга ажратилаётган истеъмол кредитлари туфайли ҳар бир ёш оила ўз турмуш шароитини яхшилашга эришмоқда**

***Мана, бир неча йилдирки, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" республикамиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бир қатор ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Хусусан, кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларга ҳам ана шу лойиҳаларда кенг ўрин берилган.***

Ёш оила — бамисоли бир ниҳол. Ниҳол қандай парвариш қилинса, шунга яраша илдиз отади, бўй чўзади, мева беради. Жумладан, катта ҳаётга қадам қўяётган ёш оила ҳам ана шу ниҳол каби нозик, баъзи ҳолларда турмушнинг турли синовларига дош беролмай барбод бўлиши мумкин. Шундай экан, ёш оила доимо атрофдагиларнинг эътибор ва ғамхўрлиги, амалий ёрдамига муҳтож бўлади. Бугунги кунда мамкатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бирига айлангани ҳам бежиз эмас, албатта. Айниқса, жорий 2008 йил — Ёшлар йилида бу борадаги ишларнинг кўлами янада кенгайди.

Ёш оилалалар хусусида тўхталар эканмиз, аввало, кечагина ота-онасининг бағрида беғаму беташвиш яшаб юрган ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам оила қуришга, моддий ва маънавий жиҳатдан мустақил яшашга тайёрми, деган савол туғилади. Айнан мана шу масалалар ҳар бир ёш оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда, келажагини белгилашдаги асосий омиллардир. Ёш оила мустақил ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёр бўлган ҳолда ҳам унга маълум даражада ижтимоий кўмак кўрсатиш лозим бўлади.

Бу борада "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" билан Республика "Маҳалла" жамғармаси томонидан амалга ошириб келинаётган "Кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини эътироф этиш жоиз.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар ўтган йил давомида мамлакатимизнинг саккизта шаҳрида амалга оширилди ва муваффақиятли якунланди. Аниқ маълумотларга асосланса, "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан тавсия этилган етмишта кам таъминланган ёш оилага уй-рўзғор буюмлари берилди, уларнинг турмуш шароити яхшиланди. Жорий йилда ҳам ушбу лойиҳанинг давоми сифатида Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Қўқон, Нукус, Янгийўл ва Тошкент шаҳарларида истиқомат қилувчи 70 нафар ёш оилага моддий кўмак кўрсатилиши режалаштирилган. Эътиборли жиҳати шуки, бу сафар 20 та ёш оила "Ипотека банк"нинг имтиёзли кредити ҳисобига янги уй-жой сотиб олиш ёки яшаб турган уйларини таъмирлаш имкониятига эга бўлишади. 40 нафар оилага эса "Микрокредитбанк"нинг жойлардаги филиаллари томонидан истеъмол кредитлари ажратилади. Ушбу маблағга улар кир ювиш машинаси, музлатгич, телевизор каби уй-рўзғор шароитида зарур бўлган техника воситалари ҳамда мебель жиҳозларини харид қилишлари мумкин. Айни пайтга қадар, ипотека кредити бўйича ўнга яқин оиладан ариза келиб тушган. Бундан ташқари, Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида яна ўнта оилага "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" томонидан уй-рўзғор буюмлари ҳадя қилинади.

**Наргис БЕРДИБОЕВА, "Mahalla" мухбири.**

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Маънавий юксалиш йўлида

# Ибрат китоби

***Дунёда шундай китоблар бўладики, улар аввало инсоннинг онгига таъсир этиб, кўп билим, фикр ва маълумотлар беради, дунёқарашини, тафаккур уфқини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Бошқа бир китоблар борки, авваламбор инсоннинг кўнглига, ҳиссиёт оламига таъсир этади, унинг туйғуларини тарбиялашга, қалб кўзини очишга хизмат қилади. Айни пайтда бу китобларнинг барчасига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, ҳар жиҳатдан ноёб, қадрли асарлар ҳам бўлади. Улар ҳам онгимизга, ҳам руҳиятимизга баробар таъсир этади, ўзининг маърифий қуввати билан ҳам тафаккуримизни юксалтиради, ҳам қалбимизни нурафшон этади, нафақат бир инсон, балки бутун жамият ҳаётидаги қарашларни ўзгартириб, гўзал ва бетакрор маънавий фазилатларнинг шаклланишига сабаб бўлади.***

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китоби, ҳеч шубҳасиз, ана шундай нодир ва ибратли китоб эканини шахсан мен уни ўқиш жараёнида чин дилдан ҳис қилдим.

Ушбу асарда муаллиф маънавият, аввало, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ташкил этадиган беқиёс бойлик экани, унинг кучи ва қудрати сўз ва амал бирлиги орқали намоён бўлишини исботлаб беради. Бу ҳақда фикр юритар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: **«Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди»** *(25-бет)*.

Табиийки, маънавият ҳақидаги бундай ҳаққоний фикрлар китобхонни доимо сўз билан иш бирлиги асосида яшашга даъват этади.

Муаллиф бу борадаги мулоҳазаларини изчил давом эттирар экан, шахс ҳаётининг маъно-мазмуни иймон, виждон, ирода каби олий фазилатлардан иборат эканига эътиборни қаратади: **«Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?»** *(28-бет)*.

Бу савол соғлом фикрлайдиган ҳар бир одамни ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур. Муаллифнинг сўз ва амал бирлиги, маънавий қадриятлар ҳақидаги фикрлари истиқлол йилларида амалий ҳаётимизда ёрқин ифодасини топаётганини кўриб, янада кучли таъсирланамиз.

Ушбу асарда маънавиятимизнинг жавҳари бўлмиш муқаддас ислом динига берилган таърифлар ҳам чуқур илмий-фалсафий асосга эга экани билан ажралиб туради. Муаллиф динимиз эзгулик, тинчлик, меҳр-оқибат дини эканини уқтириб, бундай деб ёзади: **«Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз»** *(36-бет)*.

Муаллиф ислом динининг моҳияти ҳаққонийлик ва покликка чорлаши, бинобарин, у ҳамиша эзгуликка, бағрикенгликка, халқ маънавиятини юксалтиришга, руҳий камолотга хизмат қилиши зарур эканини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан изоҳлаб беради, юртимиз заминидан етишиб чиққан буюк алломаларимиз орзу қилган ҳақиқий исломий маънавият қандай бўлиши кераклигини холис баён этади.

Маълумки, бугунги кунда ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга уринаётган ҳар хил фирқа ва оқимлар билан муқаддас динимиз ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Китоб муаллифи бу ҳақда жуда куйиниб, дину диёнатимизни бузадиган бундай ҳолатларга қарши доимо сергак ва ҳушёр туриш, бу каби ҳаракатларга ҳеч қачон йўл қўймаслик зарурлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бунинг учун, аввало, тинчлик, меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган динимизни ана шундай хуружлардан асраб-авайлашга ундайди: **«Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»** *(37-бет)*.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида дунёдаги нуфузли ташкилот бўлмиш Ислом конференциясининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши халқимизнинг муқаддас динимиз ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасининг яна бир эътирофи экани ғурур ва ифтихор туйғулари билан баён қилинади.

Ҳаммамизга маълумки, бундан 18–20 йил аввал, мустабид шўро даврида ислом маданияти, мусулмон дини ва унинг қадриятлари ҳақида гапиришнинг ўзи мумкин эмас эди. Умуман, дин ҳақида, иймон ҳақида сўз айтиш сал бўлмаса жиноят ҳисобланарди. Алҳамдулиллаҳ, истиқлолимиз шарофати билан ва Юртбошимизнинг доимий эътибори натижасида жуда қисқа даврда юртимиз, унинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент Ислом маданияти пойтахти, яъни дунёдаги халқлар ўртасида ўз ота-боболарининг дини, мероси, тарихи ва маданиятини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш бобида бошқаларга ибрат ва намуна бўла оладиган халқнинг азим шаҳри сифатида дунё жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Асарда бу ҳақда катта ифтихор ва мамнуният билан фикр юритилар экан, ислом маданияти равнақи ва тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган ватандошларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, эътиқод илмининг алломаси Имом Мотуридий, дин ва миллатнинг ҳужжати Бурҳониддин Марғиноний, буюк азиз-авлиёларимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби мумтоз зотлар ҳақида халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун ниҳоятда чуқур ва ибратли фикрлар баён этилади.

Айни пайтда китобда дунёвий ва диний илм-маърифатни ўзида мужассам этган улуғ аждодларимиз – Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби алломаларнинг ҳаёти ҳар қанча фахрланишга муносиб экани аниқ ҳужжат ва далиллар асосида таъкидлаб ўтилади.

Айниқса, Амир Темур бобомизнинг халқимиз маънавий хазинасини бойитиш ва янги босқичга кўтаришга қўшган беназир ҳиссаси ҳақида шу вақтга қадар айтилмаган янги фикр ва маълумотларнинг баён қилингани ғоятда эътиборга сазовор, деб ўйлаймиз.

Маънавиятимизнинг яна бир буюк даҳоси, биз учун иймон-эътиқод, халқпарварлик, эзгулик, поклик ва донишмандлик тимсолига айланиб кетган ҳазрати Алишер Навоий ҳақида ҳам китобда алоҳида самимият, улкан меҳр ва эътироф, айни вақтда миннатдорлик туйғулари билан фикр юритилади. Биз ақлимизни таниганимиздан буён мутафаккир шоиримиз ҳақида не-не таъриф ва тавсифларни эшитмаганмиз. Лекин, очиқ тан олишимиз керакки, бу асарда Алишер Навоий ҳақида энг гўзал таъриф айтилган: **«Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир»** *(47-бет)*.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида яна бир муҳим масала – жамиятимизнинг моддий ва маънавий тараққиёти йўлида тўсиқ бўладиган иккита катта гуноҳи кабира, яъни лоқайдлик ва ҳасад ҳақида жуда ўринли фикрлар билдирилган. Тарих шуни кўрсатадики, лоқайдлик ва бепарволик ҳукм сурган юрт ҳеч қачон тараққиётга эришмаган ва эришмайди ҳам. Бундай иллатга қарши зийрак ва ҳушёр бўлишимиз, лоқайдликка нисбатан лоқайд бўлмаслигимизни муаллиф алоҳида таъкидлайди: **«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»** *(116-бет)*.

Шунингдек, ҳасад иллати ҳам ижтимоий муносабатларни издан чиқарадиган, жамият, оила, ёру дўстларнинг орасини бузадиган, ахлоқсизлик ва андишасизлик, ёлғон ва алдов каби манфур иллатларни авж олдирадиган энг катта гуноҳлардандир. Ҳадиси шарифда: «Ҳасад билан иймон бир қалбда жамланмайди», дейилади. Демак, ҳасади бор кишининг иймони ҳам, маънавияти ҳам бўлмайди.

Айтиш керакки, китобда баён қилинган, моҳияти ҳар томонлама очиб берилган бундай долзарб масалалар бугун ёшларимиз тарбиясида сув билан ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби халқимизнинг маънавий юксалиши учун хизмат қиладиган муборак бир асар, десак, албатта, тўғри бўлади.

Маълумки, қадимдан юртимизда мўътабар китобларни оила даврасида отаоналарнинг фарзандларига, мактаб ва мадрасаларда устозларнинг талабаларига ўқиб, мағзини чақиб бериш анъанаси бўлган. Шунинг учун бу китобнинг маъно-мазмунини фақат оммавий ахборот воситалари ва расмий анжуманлардаги чиқишларимизда шарҳлаш билан кифояланиб қолмасдан, халқимизнинг руҳига мос бўлган ана шундай анъаналаримиз ёрдамида ҳам эл-юртимизга, айниқса, ёшларимизга етказсак, иншоолло, маънавиятимиз бундан ҳам юксак, иймонимиз бақувват бўлишига эришамиз. Китобни қайта-қайта ўқиб тафаккур қилсак, бу фикрга ўзимиз ишонч ҳосил қиламиз, деб ўйлайман.

**Анвар қори ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар**
**бош имом-хатиби**

Жиззах вилояти

Эртанинг умиди

***Рўзимурод Ҳайитбоев — ўн олти ёшда. Уни нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатимизда ҳам яхши билишади. Ёш спортчи ўзи туғилиб ўсган Жиззах шаҳридаги Ҳамзаобод маҳалласининг фахри ҳисобланади.***

# РЎЗИМУРОД МУРОДИГА ЕТСИН!

**Таэквондо спорт кураши бўйича саккиз карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра халқаро турнир ғолиби ва Осиё чемпионатининг бронза медали соҳиби жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юрт байроғини баланд кўтаришини ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган.**

— Таэквондо билан шуғулана бошлаганимда ҳали етти ёшга ҳам тўлмаган эдим, — дейди Рўзимурод. — Ўн йилдан буён спортнинг шу тури бўйича машғулотларга қатнашиб келаман. Отам — Ҳасан Очилов, тадбиркор бўлса-да, спортга меҳр қўйган инсонлардан. У машғулотларимни, мусобақалардаги иштирокимни мунтазам кузатиб, назорат қилиб боради. Эришган ютуқларимда отамнинг ҳиссаси катта. Онажоним эса уйда спорт билан шуғулланишим учун зарур шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади. Оилада кенжа фарзанд бўлганим учун опаларим ва акам ҳам менга ғамхўрлик қилишади. Яқинларимнинг далдаси, ғамхўрлиги менга мусобақалар жараёнида куч бағишлайди, ғалабага руҳлантиради.

Ёш истеъдодли спортчига вилоят таэквондо федерацияси веце-президенти Отабек Зиёев мураббийлик қилади. Рўзимурод устозининг топшириқларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади, машқ қилишдан чарчамайди.

2002 йилдан таэквондонинг ITF тури бўйича махсус машғулотларга қатнаша бошлаган Рўзимурод шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги мусобақаларда тенгдошлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, ғолиблар қаторидан жой олди. 2003 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида учинчи, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида эса фахрли биринчи ўринни эгаллагач, республика терма жамоаси сафига қабул қилинди.

Рўзимурод 2005 йили Жиззах ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақаларнинг олтин медалини қўлга киритди. Шу йилнинг апрель ойида пойтахтда ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринга, Фарғона шаҳрида ўтказилган турнирда эса Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Эришган ҳар бир ютуғи Рўзимуродни янги марраларни эгаллашга ундади. У 2007 йилда Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари спортчилари иштирокидаги турнирда учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди. Таэквондонинг қора белбоғ соҳиблари ўртасида бўлиб ўтган мамлакат миқёсидаги мусобақада ғолиб бўлди. Ўз устида тиним билмай ишлаган Рўзимурод жаҳон миқёсида ўтказилган турнирда муваффақият қозонди, апрель ойида Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медали билан тақдирланди.

Рўзимурод Ҳайитбоев ёшларга ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик муваффақиятларни қўлга киритган спортчи бўлиш билан бирга аълочи ва жамоат ишларида фаол ўқувчи ҳамдир. У Жиззах педагогика институти қошидаги академик лицейда таҳсил олмоқда.

— Шаҳримизда спорт билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган, — дейди Рўзимурод. — Айни пайтда юз нафарга яқин бола «Форум» мажмуаси ва Олимпия захиралари билим юрти қошида ташкил этилган клубларда спортнинг таэквондо тури бўйича машғулотларга қатнашмоқда. Заргарлик маҳалласидан Комил Камолов, Кўтарма маҳалласидан Ҳалима Носирова сингари ёшлар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғолиб чиқишди. Ғаллаорол, Зомин, Дўстлик ва Жиззах туманларида ташкил этилган спорт клубларида ҳам ёшларимиз спорт билан шуғулланиб, жисмонан чиниқмоқдалар.

Шу кунларда Рўзимурод Ҳайитбоев жорий йилнинг 17-21 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган таэквондо бўйича жаҳон чемпионати баҳсларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. У ушбу мусобақада ғолибликни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилган.

**А.ҚАРШИЕВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

***Ўтган ўқув йилида Оролбўйи ҳудудидаги мавжуд 78 та касб-ҳунар коллежи битирувчилари сони 22 минг нафарни ташкил этди. Йигит-қизлар 8 та йўналиш бўйича таълим олиб, касб-ҳунар ўрганишди.***

# Олис овулларда ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

Янги ўқув йилида эса ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларининг сони яна ортади. Энг муҳими, бундай ўқув масканлари асосан олис овулларда қад ростлаяпти. Жумладан, Беруний туманидаги Қизилқалъа овулида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси қурилиши қисқа фурсатда ниҳоясига етказилди. 570 ўринли мазкур коллежнинг ўқув мажмуаси, ётоқхона, ошхона, спорт залларини бунёд этиш ишлари "Берунийагроқурилиш" жамиятининг махсус гуруҳлари томонидан амалга оширилди.

Шунингдек, Хўжайли туманидаги Туякаш овулида 360 талабага мўлжалланган алоқа коллежи қад ростламоқда. Бу ерда "Қорақалпоқфуқароқурилиши" масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 миллиард 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти.

**Асил БЕК,**
**"Mahalla" мухбири.**

Қашқадарё вилояти

**Китоб туманида жойлашган С.Раҳимов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини туманда мавжуд 38 та маҳалланинг энг илғорларидан ҳисобланади. Маҳалланинг том маънода обод бўлишида фаолларнинг ташаббускорлиги, ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**СУРАТДА:** *йиғин раиси Маҳмуд Султонов фаоллар билан.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

Жиззах вилояти

# «АЛСКОМ»нинг мижозлари кўпаймоқда

***Вилоятда суғурта хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, суғурта бозорини ривожлантириш мақсадида ўтган йили «АЛСКОМ» Ўзбекистон—Россия қўшма суғурта компаниясининг «Мирзачўл» ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлаганди.***

Янги корхонага иқтидорли кадрларнинг жалб қилиниши ва ишлар режали тарзда йўлга қўйилгани самараси ўлароқ, ваколатхона тез орада оёққа туриб олди.

— Компаниямиз қисқа вақт ичида ўн минг нафарга яқин фуқаролар ва юридик шахсларни бахтсиз ҳодисалардан сақланиш бўйича суғурталади. Асосий техник воситалари суғуртасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ваколатхона бош агенти Холмирза Олимов.

Ушбу муассасада Юртбошимизнинг 2007 йил 10 апреддаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ҳукуматимизнинг соҳага оид меъёрий ҳужжатлари асосида фаолият юритилаётгани боис кўзланган мақсадга эришилмоқда.

**МУХБИРИМИЗ**

Наманган вилояти

# Сабзазорлик ташаббускорлар

***Ҳашар деса, ҳамжиҳатлик асосида хайрли ишларга астойдил бош қўшиш одати сабзазорликларга ҳам хос. Эрта баҳорда ҳудуддаги томорқаларни оби ҳаёт билан таъминловчи 3 километрлик Дамариқни лойқадан тозалашда ҳам маҳалла аҳли бир тан бир жон бўлиб тер тўкишди.***

Умумхалқ ва турли байрамлар муносабати билан уюштириладиган ҳашарларда ҳам маҳалладошларнинг ҳамжиҳатлиги яққол намоён бўлади. 78 йиллик тарихга эга бу маҳаллага дастлаб Подаобод деб ном берилган бўлса, 1930 йилдан бошлаб Сабзазор номи билан аталмоқда. Ҳозирда маҳаллага асли касби қурувчи бўлган Ғуломжон Исмоилов бошчилик қилмоқда.

Йиғин қошида яраштириш, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари самарали фаолият юритмоқда. Ҳудуддаги милиция таянч пункти профилактика нозири А.Йўлдошев тез-тез ўсмирлар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиб туради.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи М.Ҳафизова маҳалла хотин-қизлари ўртасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларни жонлантирмоқда. Нотинч оилаларни алоҳида рўйхатга олиб, улар билан шуғулланмоқда. Бундай оилаларнинг ҳар бирига ҳаётий тажрибага эга бўлган, обрў-эътиборли онахонлардан мураббийлар бириктириб қўйилган. Натижа эса ёмон эмас — маҳаллада нотинч оилалар сони йил сайин камайиб бормоқда.

— Олиб бораётган ишларимиз изсиз кетмаяпти, — дейди маҳалла посбонлари сардори С.Ҳайдаров. — Ўтган икки ярим йил мобайнида ҳудудимизда бирорта ҳам жиноятчилик ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмагани шундан далолат беради.

Сабзазорда устоз—шогирд анъаналари ҳам яхши йўлга қўйилган. Уста ҳунармандлар зардўзлик, тикувчилик, устачилик, дўппидўзлик, мебелсозлик сир-асрорларини маҳалла ёшларига ўргатмоқдалар.

**Мирзадавлат ЮНУСОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Фуқаролар йиғинида кимлар ишлайди?

Тошкент вилояти

# СЎНОҚ, ОҚСОҚОЛИ — МАТБУОТ ФАОЛИ

## «Йилнинг энг фаол журналисти — 2007» анъанавий кўрик-танлови совриндорлари сафидан маҳалла раиси ҳам жой олди

***Маҳалла йиғини раисининг иш соати аниқ белгиланмаган. Шу боисдан оқсоқол аниқ режа асосида иш юритмаса, маҳалла-қўйнинг катта-кичик юмушларига улгурмаслиги мумкин. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини Сўноқ маҳалласи оқсоқоли Қорахон Жўраев ўз фаолиятини шундай ташкиллаштирганки, у ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни уддалабгина қолмай, ижодий изланишга, яъни туман, вилоят, республика миқёсидаги нашрлар учун мақолалар ёзишга ҳам улгуради. Бундан ташқари, Қорахон ака туман Байналмилал маркази раиси, қозоқ тилида чоп этиладиган республика «Нурли жол» газетасининг жамоатчи мухбири ҳамдир.***

У раислик қилаётган маҳалла нисбатан катта эмас, ҳар бир йиғинга хос юмушлар Сўнокда ҳам етарли. Маҳаллада 64-умумтаълим мактаби жойлашган. Унда 380 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мактабда нафақат сўноқлик, балки қўшни қишлоқларнинг болалари ҳам ўқишади. Оқсоқолнинг куйинчаклиги туфайли мактаб фаолиятида, катта-кичик муаммоларни ҳал этишда маҳалла йиғини, ота-оналар, маҳалладошлар ҳам иштирок этишга одатланишган. Қорахон ака шу мактабда қарийб 45 йил ўқувчиларга математика фанидан дарс берган, 30 йил ўқув маскани ишини бошқарган. Шу боисдан оқсоқол ёшлар тарбиясига ниҳоятда эътиборли, ўзини тутиши сал ўзгарган йигит-қизларни дарров пайқайди, уларнинг ўзи билан, ота-онаси билан суҳбатлашади. Ўз ўрнида маҳалла ёшлари Сўноқда ўтказиладиган ҳар қандай тадбирнинг ташаббускор, илғор иштирокчилари.

— Шу кунгача маҳалламиз ёшлари тўғрисида бирор ёмон сўз эшитганимиз йўқ. Аксинча, турли жабҳаларда ўзини кўрсатган, ютуқларга эришган ёшларимиз борки, улар орқали Сўноқнинг донғи чиқмоқда, — дейди Қорахон ака фахр билан.

Маҳалла оқсоқоли ва фаоллари учун юмушлар етарли. Газ, сув таъминоти, автотранспорт хизмати баъзан уларнинг аралашувини талаб қилиб қолади. Айниқса, бу йил ёғингарчилик кам бўлиши туфайли сув танқислиги сезилди. Хонадонларнинг ҳаммасида томорқа хўжалиги бор. Бир мавсумда икки-уч маротаба ҳосил олишади.

Яқинда Сўноқнинг жонкуяр оқсоқоли фаолиятида қувончли воқеа юз берди: у Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий кўрик-танлови совриндори бўлди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида мукофотланган соҳа ходимлари сафида Сўноқнинг оқсоқоли ҳам бор эди.

— Мухбирликка ҳавас уйғонганда ёш бола эдим, — дейди Қорахон ака. — Болаларча иштиёқ билан хабарча ёзиб, болалар учун мўлжалланган нашр таҳририятига йўллаганман. Келаси ҳафтада ўша хабарча газетада чоп этилган. Ўшандан буён бирон нарса қораламаган куним деярли йўқ. Кўп йиллик фаолиятим, умуман, ҳаётим ижодий изланишларсиз тўлақонли бўлмас эди, деб ўйлайман.

Қорахон ака айни кунда 64 ёшда, пенсия нафақасида. Лекин уни нафақадаги одамга сира ўхшатиб бўлмайди, чунки оқсоқол қизғин ҳаёт, меҳнат оғушида. Сўноқ маҳалласининг равнақи, ободлиги, ёшларнинг камоли йўлида меҳнат қилишдан ҳормайди у.

— Маҳалладошларимиз, фаолларимиз билан режалаштирган у ёки бу юмушимиз бароридан келса, завқланаман. Нафақат Сўноқдаги, балки атрофимиздаги бошқа маҳаллаларда, умуман, юртимизда юз бераётган янгиланишлар, бунёдкорликларни кўриб, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади. Шундай дориломон замонда яшаб, меҳнат қилганга, энг муҳими, шу меҳнатнинг самарасини кўрганга нима етсин!

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Самарқанд вилояти

# ТАЙЛОҚ БОҒЛАРИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Самарқанд вилоятида ҳам салмоқли ишлар олиб борилаётир.***

Тайлоқ тумани жорий йилда 3 минг гектар токзор ва 976 гектар боғда юқори ҳосил етиштирди. Фермерларнинг самарали меҳнати туфайли 29 минг тонна узум, 8 минг 900 тонна мева қайта ишланди. Маҳсулотни тўлиқ экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда соҳибкор фермерларнинг ишлари қизғин паллага кирган. «Узунқишлоқ жаннат боғинур» фермер хўжалиги токзорларида «Оқ кишмиш» ва «Қора кишмиш» навли узумлар, Ўктам Сиддиқов бошчилигидаги «Маъруфжон» фермер хўжалиги боғларида эса «Геолдансупер», «Оқ қизил», «Лицсупер» навли олмалар ғарқ пишган.

**Т.НОРҚУЛОВ** *(ЎзА)*
**олган суратлар.**

Сурхондарё вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

***Кейинги йилларда юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш тизимини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, айниқса, олис қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар спортини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.***

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ЭЪТИБОРДА

Жумладан, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида вилоятда ўтган 2007 йил давомида коллеж, лицей битирувчиларидан 12434 нафари иш билан таъминланди, 807 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди, 258 нафари ҳарбий хизматга жўнатилди. Айни пайтда ишсиз юрган 2000 нафардан зиёд ёшларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Йил давомида ногиронларни квоталанган иш ўринлари билан таъминлаш ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 118 та иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Жорий йилда эҳтиёжманд ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий даромад манбаларига эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, ҳар бир маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандларини халқ ҳунармандчилигига ўқитиш мақсадида улар ҳудуддаги ҳунарманд устаталарга шогирд этиб бириктирилди. Термизлик 10 нафар қиз Фарғона вилоятида адрас тўқиш бўйича ҳунар ва малака эгаллаб қайтди ва ҳозирги кунда улар ўрнатилган 6 та дастгоҳ орқали қизларга адрас тўқиш сирларини ўргатмоқда.

Вилоятдаги барча таълим муассасаларида ҳамширалар учун ажратилган алоҳида хоналарда «Саломатлик маслаҳат маркази» ташкил этилиб, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича иш олиб бориляпти. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида Термиз шаҳридаги маҳаллаларда хотин-қизлар билан репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш мавзуларида учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Никоҳдан ўтувчи ёшларни тиббий кўрикдан сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, ФҲДЁ бўлимлари, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти», «Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» каби мавзуларда маҳаллаларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида давра суҳбатлари ва мулоқотлар ташкил қилдик. Жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида маъсул ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла ва ўқув юртларида «Келажакка — гиёҳванд моддаларсиз», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуларида тадбирлар ўтказилди.

Белгиланган режага мувофиқ, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 700 нафарини болалар дам олиш оромгоҳларида соғломлаштириш мақсадида ҳомийлар жалб қилиняпти. Ҳозиргача жамғарманинг Қумқўрғон тумани бўлинмаси ва «Нефтчи» болалар оромгоҳи ўртасида шартнома тузилиб, кам таъминланган оилалар фарзандларининг 75 нафарини оромгоҳларда соғломлаштириш назарда тутилган. Қолаверса, бўлимимиз ҳисобидан кам таъминланган оилалар болаларини соғломлаштириш мақсадида Музработ туманида жойлашган С.Раҳимов номидаги болалар оромгоҳига 1 миллион 35 минг сўм пул ва 670 минг сўмлик матрас, кўрпа-ёстиқ жилдлари берилди.

Сариосиё туманидаги 10 та, Қумқўрғон туманидаги 5 та, Шўрчи туманидаги 4 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Ҳомий ташкилотлар томонидан Ангор, Бойсун, Денов, Узун туманларида истиқомат қилаётган 400 та кам таъминланган ёш оила ҳар бирига 50 тадан жўжа тарқатилди.

Бу каби хайрли ишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун имкониятларимиз етарли, шунингдек, нодавлат ташкилотлар, жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

**Эркин КЎЧКИНОВ,**
**«Маҳалла» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.**

Олам турфа



## БАБИНА-НИНГ ЭГИЗАК-ЛАРИ

***Ҳиндистоннинг Орисса штатида тиббиёт оламида жуда кам учрайдиган ҳолат қайд этилди.***

Мамлакатнинг шарқий қисмидаги Бенгал қўрфази қирғоғида жойлашган мазкур штатда истиқомат қилувчи 25 ёшли Бабина Патра исмли аёл эгизак фарзандларни дунёга келтирди. Бир қарашда бу одатий ҳол. Бироқ мазкур эгизаклар орасидаги фарқ 40 кунни ташкил этади, яъни улардан бири 27 апрелда дунёга келган бўлса, иккинчиси 6 июнда туғилди.

«Шифокорлар фарзандларимнинг ҳаёти хавф остида экани ҳақида огоҳлантиришган эди. Аммо уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳозирда иккала фарзандим ҳам соғлом», — дейди эгизакларнинг онаси.

## КЕКСА ЎҚУВЧИ

***Ҳиндистоннинг Ражастхон штатилик 74 ёшли пенсионер Шив Чаран 38-марта мактаб битирув имтиҳонларини топширолмади.***

Британиянинг "The Daily Telegraph" газетасида ёзилишича, қария жорий йилда белгиланган ўнта имтиҳонлардан атиги биттасини топшира олган, холос. Имтиҳон давомида кекса ўқувчи математика, инглиз тили санскрит ёзуви ҳамда бошқа фанларни умуман ўзлаштиролмаётганини яна бир бор намойиш қилди. Фақат давлат тили ҳисобланган ҳинду тилинигина у яхши билар экан.

Шив Чаран мактаб битирув имтиҳонларини топширишни 1969 йилда бошлаган эди. Шунингдек, у ўрта мактабни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатномани олмагунича, уйланмасликка сўз берган. Ўша вақтдан бери Шив имтиҳон топшириш билан овора, бироқ у ҳамон энг саводсиз ўқувчи деган «унвон»дан қутулолмаяпти.

Кекса ўқувчи имтиҳонлардаги муваффақиятсизликларига математика фанининг мураккаблигини баҳона қилса-да, кўзлаган мақсадидан чекинмаяпти. Оила қуриш борасида эса у берган ваъдасига содиқ қолмоқда.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

СЕРБИЯ:

## КАРАЖИЧ ТРИБУНАЛГА ТОПШИРИЛАДИМИ?

***Сербия ҳукумати Радован Каражични Халқаро трибуналга топширишга қарор қилди.***

Бу ҳақда кеча Белградда ўтказилган матбуот анжуманида махсус прокурор Владимир Вукчевич маълум қилди, дея хабар тарқатди AFP ахборот агентлиги.

Бироз муқаддам ҳибсга олинган Радован Каражични Гаага трибуналига экстрадиция қилиш (топшириш) зарур расмиятчиликларга риоя қилингандан сўнг амалга оширилади. Прокурорнинг айтишича, Каражич сўроқ қилингандан кейин, ўзига нисбатан қўйилаётган айблов матни билан танишиб чиққан.

Радован Каражич 13 йил давомида ҳуқуқ-тартибот органларидан яширинib юрди. Халқаро трибунал томонидан собиқ Югославия масаласи бўйича Каражичга нисбатан бир қанча айблов қўйилган. Ана шу айбловнинг асосий қисмига кўра Каражич Босниядаги уруш йилларида Сараево шаҳри блокадасини уюштирганлиги ва Сребреницадаги мусулмонларни қириб ташлаганликда айбланмоқда. Айблов маълумотларига кўра, Каражич 18 минг нафардан ортиқ кишининг ҳалок бўлишига сабабчи бўлган.

Каражичнинг қамоққа олиниши муносабати билан Сербия, Босния ва Герцоговинада оммавий намойишлар бўлиб ўтди.

РОССИЯ:

## ЧАВЕС КАСТРОНИНГ САЛОМИНИ КЕЛТИРДИ

***Венесуэла президенти Уго Чавес Москвага ташриф буюрди. Мазкур ташриф чоғида у Россия президенти Дмитрий Медведевга Кубанинг собиқ раҳбари Фидель Кастронинг саломини етказди, дея хабар беради РИА Новости ахборот агентлиги.***

Чавеснинг сўзларига кўра, Фидель Кастро ҳозирда дунё миқёсида соғлом фикр танқислиги юзага келганини, бироқ Россия бу борадаги муаммоларни енгиб ўта олганини айтган. Венесуэла президенти шахсан ўзи ҳам Дмитрий Медведевнинг халқаро муаммолар хусусидаги қарашларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўз навбатида Медведев, Россия ва Венесуэла давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги Лотин Америкасидаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди, деб таъкидлади.

АҚШ:

## ОАВ ҚАЙСИ НОМЗОДНИ ҚЎЛЛАЯПТИ?

***Politico сайтида тарқатилган хабарларга кўра, АҚШ аҳолисининг деярли ярми матбуот ва оммавий ахборот воситалари мамлакат президентлигига бўлган номзодлар орасидан демократлар партияси вакили Барак Обама номзодини кўпроқ ёқламоқда, деб ҳисобламоқда.***




Хусусан, яқинда Rasmussen томонидан ўтказилган сўровларда ҳам, сайловчиларнинг 14 фоизигина кузга бориб журналистлар Жон Маккейнни қўллаб-қувватлай бошлашади, дея фикрлаши маълум бўлди.

Сўровда иштирок этганларнинг 49 фоизи эса ОАВ ходимлари баъзан ошкора, баъзан пинҳона Барак Обамани қўллаётганликларини айтишган. Аҳолининг 24 фоизигина Оқ уй учун бораётган курашга ОАВнинг умуман алоқаси йўқ, дея ишонч билдиришмоқда.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.**

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Наманган вилояти

# АЛПОМИШлар МАҲАЛЛАСИ

***Наманган шаҳридаги Алпомиш маҳалласи аҳли ҳар ишда илғор ва ташаббускор. Дарвоқе, маҳаллага бундай ном берилишида ҳам рамзий маъно бор. Бу маҳалланинг йигитлари Алпомишдек мард ва жасур, қизлари эса Барчинойдек оқила бўлишга интилишади.***

Тадбиркор Рашиджон Тўраев йиғин ҳудудида пластмасса идишлар тайёрлайдиган цех ташкил қилиб, маҳалладошларидан бир неча нафарини иш билан таъминлади. Фазлиддин Отабоев эса 8 турдаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 15 нафар хотин-қиздан иборат жамоа ҳар ойда 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Маҳаллада касаначилик асосида фаолият юритаётганлар сафи ҳам кенгайиб боряпти. Уста темирчи Обиджон Ҳошимов шогирдлари билан кетмон, ўроқ, теша сингари буюмлар ясайди. Шаҳзода Абдураҳмонова, Фотима Иқромова сингари хотин-қизлар ўз хонадонларида кўрпа, кўрпача, чойшаб сингари уй-рўзғор учун зарур маҳсулотлар тайёрлаш билан машғул.

Йиғин ҳудудидаги 5 та савдо дўкони, новвойхона, сартарошхона ва гўзаллик салони маҳалла аҳлига сифатли хизмат кўрсатиб, узоғини яқин қилмоқда.

Айни пайтда маҳаллада истиқомат қилаётган 13 мингдан зиёд аҳолининг тенг ярмини ёшлар ташкил этади. 500 нафарга яқин ёшлар спортнинг кураш, футбол, волейбол, қўл жанги, теннис каби турлари билан шуғулланиб, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишмоқда.

— Ёшларимиз 80 та маҳалла ўртасида ўтказилган «Маҳалламиз полвонлари» мусобақасида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашди, — дейди йиғин котиби Р.Умрзоқов. — З.Полвонова эса қўл жанги бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақада қатнашиб, қора белбоғ соҳиби бўлди. Юксак марраларни кўзлаб, ўз устида тинимсиз ишлаётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки маҳалламизнинг, қолаверса, юртимизнинг келажаги ана шу ёшлар қўлида.

**Мирзадавлат ЮНУСОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

"Футболимиз келажаги" турнири кундалиги

# КУЧЛИЛАР — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

***"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнири маҳаллаларда болалар спортини ривожлантиришга ҳамда ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда турнирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичлари ҳал қилувчи паллага кирган.***

*Сирдарё вилояти*

Турнирнинг вилоят босқичи беллашувлари Гулистон туманининг Деҳқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳудудидаги иккита спорт ўйингоҳида ўтказилди. Унда вилоятнинг 11 та туман ва шаҳарларида биринчиликни қўлга киритган 22 та ёш футболчилар жамоаси иштирок этди.

Қизғин кечган мусобақаларда 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида Гулистон тумани жамоаси, 13-14 ёшлилар ўртасида эса Сирдарё тумани жамоаси ғолиб бўлиб, турнирнинг минтақавий босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

*Бухоро вилояти*

Ромитан туманидаги марказий ўйингоҳда турнирнинг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида вилоят босқичи ўйинлари якунланди.

Мусобақа якунида Қоровулбозор туманидаги Чўлқувар маҳалласи фуқаролар йиғининг "Нефтчи" жамоаси биринчи, Бухоро туманининг Мустақиллик маҳалласи жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

* * *

*Андижон вилояти*

Балиқчи туманининг марказий ўйингоҳида "Футболимиз келажаги" турнирининг 15-16 ёшлилар ўртасидаги вилоят босқичи финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ўз ҳудудларида ғолибликка эришган тўртта жамоа ўзаро беллашди.

Қизғин кечган мусобақа якунларига кўра, Балиқчи тумани Марказ маҳалласи фуқаролар йиғини жамоаси ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Қўрғонтепа туманининг "Мустақиллик" жамоаси, учинчи ўринни эса Андижон туманининг Гузар ҳамда Асака туманининг Бўзариқ маҳаллалари футболчилари қўлга киритишди.

* * *

*Жиззах вилояти*

Ушбу турнирда 13-14 ёшлилар ўртасида Жиззах шаҳри ва туманларараро босқичида ғолиб бўлган олтита жамоа ўзаро куч синашди.

Ўйин натижаларига кўра, Жиззах шаҳридаги Ёшлик маҳалласи жамоаси мусобақанинг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақада иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Жиззах шаҳридаги Навоий номли, Зарбдор туманидаги Зарбдор маҳалласи жамоаларининг маҳорати ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилди.

**МУХБИРЛАРИМИЗ**

***Мусобақалар сўнгида вилоятларда биринчиликни қўлга киритган жамоалар ҳамда турнир иштирокчилари орасидан "Энг яхши тўпурар", "Энг яхши ўйинчи", "Энг яхши ҳимоячи" ҳамда "Энг яхши дарвозабон" каби номинациялар бўйича ғолиб деб топилган ўйинчилар "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимларининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.***

Андижон вилояти

Замонавий қулайлик

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

# МАРҲАМАТнинг БОЗОРИ ХАРИДОРГА МУНТАЗИР

***Ҳар қандай мамлакат фаровонлиги энг аввало унинг бозорларида намоён бўлади. Кейинги йилларда юртимиз бозорлари тубдан қайта қурилиб, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда. Буни Марҳамат туманидаги деҳқон бозори мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда замонавий павильонлар, савдо расталари, дўкончалар қурилиб, харидор ва сотувчилар учун қулайликлар яратилмоқда.***

— Илгари биз каби ҳунармандларнинг бозорда савдо-сотиқ қилиши учун ҳеч қандай қулайликлар яратилмаган эди, — дейди дўппидўз онахонлар. — Тайёр маҳсулотни сотиш ҳам катта муаммо эди. Бозор ҳудудидан биз учун алоҳида жой ажратилгач, меҳнатимиз маҳсулини харидорларга бемалол кўрсатадиган, эминэркин савдо қиладиган бўлдик.

Бозор ҳудудидан ҳар бир маҳсулот турига кўра алоҳида-алоҳида жой ажратилгани ҳунармандлар учун айни муддао бўлди. Шунингдек, улар бу ерда ўз устахоналарини қуриб, фаолият кўрсатиш имконига эга. Ҳозирги кунга қадар бозор ҳудудида 25 та дўкон қуриб, фойдаланишга топширилди. Уч юз метр масофадан тоза ичимлик суви олиб келиниб, сабзавотларни ювиш учун мўлжалланган махсус жойларга ва бешта жойдаги фавворалларга уланди. Айни пайтда сабзавотлар павильонини ўн икки метрга кенгайтириш ва асфальтлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— Бозоримиз режа асосида капитал таъмирдан чиқариляпти, — дейди «Марҳамат деҳқон бозори» МЧЖ раиси Назиржон Мамақов. — Реконструкция ишлари учун 183 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган эди. Айни пайтда режадаги ишларнинг қарийб олтмиш фоизи амалга оширилди. Йил охиригача бозорда 45 та янги савдо ўрни яратилиб, аҳолига хизмат кўрсатишнинг 12 тури йўлга қўйилади.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**
**Ш.ОЛИМОВ олган суратлар.**

Тарихдан тарақча

Жиззах вилояти

# «ШАРҚИЙ ДАРВОЗА»

## ёхуд Жиззах тарихи хусусида

***Жиззах — кўп асрлик тарихга эга қадимий шаҳар. Топонимшунос олимлар унинг номини сўғд тилидаги «Дизак» («қалъача») сўзи билан боғлайдилар. Тарихда шаҳар Дизах номи билан аталган.***

Истиқлол йилларида Жиззах тарихини ўрганишга қизиқиш янада ортди, қатор илмий изланишлар олиб борилиб, рисолалар чоп этилди. Бироқ бу воҳа тарихи тўла ўрганиб бўлинди, дегани эмас. Чунки ҳали олдинда фанга номаълум бўлган масалалар бисёр. Шуни назарда тутган ҳолда бир гуруҳ тарихчи олимларнинг таклифлари ва ташаббуслари билан 2006 йилда Жиззах вилояти тарихини ўрганиш илмий маркази ташкил этилди. Ушбу марказ воҳа тарихини, ҳудуддаги тарихий обидаларни, шу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар, машҳур сиймолар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш билан шуғулланади. Марказ томонидан олиб борилаётган тадқиқотларга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд филиали олимлари яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

— Илмий изланишларимиз ва археологик қазишмалар натижаларига таяниб, Жиззах икки минг йиллик тарихга эга, деган хулосага келдик, — дейди марказнинг илмий кенгаши аъзоси, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаев. — Юртбошимиз халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида алломаларга бешик бўлган кўҳна заминнинг тарихини ўрганиш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлигини алоҳида таъкидлаб, тарихчи олимларни бу ишга чуқурроқ киришишга даъват этган эдилар.

Жиззах эрамиз аввалида Сўғдиёна, ўрта асрларда Уструшона давлатлари таркибига кирган. Буюк Ипак йўли ҳам шу ҳудуддан ўтган бўлиб, қадимда Жиззах Зарафшон дарёси ҳавзасидаги аҳоли манзиллари учун муҳим стратегик аҳамиятга эга «шарқий дарвоза» вазифасини ўтаган. Амир Темур ва унинг авлодлари, шайбонийлар, хонликлар даврида ҳам шаҳар ва унинг атрофидаги музофотларга катта аҳамият қаратилган.

Ҳозирги кунга қадар воҳанинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бироқ воҳанинг Бухоро амирлиги давридаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи тўғрисида фанга аниқ ва етарли маълумотлар тақдим этилган эмас. Бу давр тарихчи-тадқиқотчилар учун очилмаган қўриқ бўлиб турибди.

XV аср охири XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, воҳага Дашти Қипчоқ ўзбеклари кўчиб келиб, ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган. Шу жараёнда воҳанинг шарқий, шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларига кўчиб келган ўзбек уруғининг юз, қирқ, сарой қабилалари маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Бу ўз навбатида, маданий, иқтисодий соҳаларнинг ҳам тараққий этишига туртки берган.

Жиззахнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва Октябрь тўнтаришигача бўлган даври тарихини ўрганиш ҳам тарих фани учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўтган асрнинг 80-90 йилларида воҳанинг Чингизхон истилосига қадар бўлган даври тарихини ўрганиш мақсадида археологик қазишмалар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар айни пайтда ҳам давом эттирилмоқда.

Воҳада тарихий ёдгорликлар ва обидалар сон жиҳатидан кўп эмас. XIV-XVII асрларга тегишли Қалиятепа, Ғаллаоролдаги XIV-XVIII асрларга мансуб Қўрғонтепа, Равот қишлоғи ҳудудидаги XIV-XVI асрларга оид Номсиз шаҳар харобалари ҳамда XV-XIX асрларда Жиззах беклигининг маъмурий маркази бўлган Ўрда шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Жиззах ва Ғаллаорол туманлари ҳудудидаги Такалисой қоятошларида ибтидоий чорвачилик, овчилик даврига оид мингдан зиёд расмлар, ер ости йўллари ҳам сақланиб қолган. Парпиота, Малик Гиркушоҳ, Авлиёи Сероб, Нуриддин масжидларининг ҳамда Фориш туманида қадимий Банд тўғонининг қолдиқлари ҳозирда ҳам мавжуд. Жиззах тумани ҳудудида эса Узунота қабри бор. Тарихий манбаларда қайд этилишича, 1404 йил декабрь ойининг сўнгги тунида Соҳибқирон Амир Темур шу ерда тунаб қолган экан.

**А.ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Фарзандларингиз билан муносабатда муаммолар туғилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Оиладаги нотинчликларга қарама-қарши равишда фаолиятда муваффақиятга қозонасиз.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Айни кунларда кўнгил хотиржамлиги жуда муҳим эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Дам олиш кунларида ҳордиқ чиқаришингиз шарт, масалан, яхши китоб мутоласи билан.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)**

Катта харажатлардан чўчиманг. Сарфлаганингизда ортиқроқ даромадга эга бўлишингиз мумкин. Энг муҳими, муҳим учрашувларга кечиқмай боришга улгурсангиз бас.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Ўжарлигингиз туфайли анчагина ғавғоларни бошдан кечиришингиз мумкин. Агар ўзингизни қўлга ололсангиз, ғавғо ўрнига яқинларингизнинг меҳр-муҳаббати оғушида қоласиз.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Яқин кунларда одатдагидан кўпроқ ва самаралироқ ишлашга интилинг. Акс ҳолда, раҳбариятдан танбеҳ эшитишдан ташқари, молиявий зарар ҳам кўришингиз мумкин.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Дангасаликка берилган кунларингиз ортда қолди. Енг шимариб ишга киришинг. Хоҳ уй юмушларида, хоҳ касбий фаолиятингизда бўлсин сусткашликка йўл қўймаганингиз маъқул.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Ҳали-бери амалга ошмайдиган катта ишларни режалаштиришдан кўра, тиғиз бўлиб турган майда-чуйда юмушларни битирганингиз фойдалироқ. Фурсати етганда режа тузишга улгурасиз, албатта.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Дўстлар даврасида вақтни қувноқ ўтказиш яхши, албатта. Лекин бундай кўнгилочарликлар ҳам меъёрида бўлгани яхши. Бу фикрга қўшилсангиз, шунга яраша иш қилинг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Яқин кунларни ортиқча ташвишларсиз ўтказай десангиз, ҳар қандай сабаб билан ҳам узоққа сафар қила кўрманг. Бордию, жуда зарур бўлиб сафарга чиқсангиз, ўта эҳтиёт бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Фаолиятда ижодий ёндашиш қандай бўлишини ҳамкасбларингизга кўрсатиб қўйиш фурсати келди. Фақат шаънингизга айтиладиган мақтовлардан хушингизни йўқотмасангиз бас.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Ҳаёт қийинчиликлари инсонни маънан чиниқтиради, деган гап бор. Яқин кунларда шундай сабоқ олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Яқинларингизнинг меҳри сизга қувват бўлади.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Оилангиз билан табиат қўйнида дам олиш учун жуда қулай фурсат. Бундай ҳордиқдан кейин ғайратингиз жўшиб, бажарилиши анча кечиккан ишларингизни ҳам осон уддалайсиз.

Юртимиз спортчилари довруғи

Хоразм вилояти

# БУРСАдан ЯНГИОБОДга, КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН!

***Яқинда Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро мусобақада хивалик спортчилар ҳам иштирок этишди. Хусусан, хоразмлик спортчимиз Дилмурод Худойберганов беллашувларда муваффақиятли қатнашиб, мусобақанинг биринчи даражали дипломи ва кумуш медаль билан тақдирланди.***

Она юртга муваффақият билан қайтган ёш спортчини ҳамшаҳарлари, маҳалладошлари тантана билан қаршиладилар. Ўзбек спортчилари довруғини жаҳонга танитишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган Дилмуроднинг шарафига у туғилиб вояга етган Хива шаҳрининг Янгиобод маҳалласида тантанали тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбирда шаҳар аҳли, маҳалладошлар ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

— Ёш спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этаётгани ва ғалабаларни қўлга киритаётгани юртимизда, шахсан Юртбошимиз томонидан спорт ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир, — дейди Дилмурод Худойберганов нинг мураббийси, эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Бахтиёр Бобожонов.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек спортчиларининг муваффақиятлари орқали улар билан ишловчи мураббийларимизнинг ҳам нуфузи, обрўси юксалиб бормоқда. Бугун дунёга таниқли ўзбекистонлик спортчилар ва мураббийлар кўпчиликни ташкил этади.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**



*Биз қадрдон иккн дугона,*
*Ораз, жанжал бизга бегона.*
*Шоколадни қўрамиз баҳам,*
*Тенг бўламиз музқаймоқни ҳам.*

**Ш. ҚОРАБОЕВ олган сурат**

Таассурот

Тошкент шаҳри

# ХОРАЗМ БИЗНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

***Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган бизнинг Чоштепа маҳалласида ёшлардан, хотин-қизлар ва фаол аёллардан, шунингдек, нуроний кексаларимиздан тузилган гуруҳлар учун юртимиз бўйлаб саёҳатлар, тарихий қадамжоларга зиёрат сафарлари уюштириш анъанага айланган. Шу анъанага кўра, чоштепалик 44 нафар қиз-жувон ва онахонлар яқинда қадимий ва навқирон Хива шаҳрида бўлиб қайтишди.***

Ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), Мунис, Огаҳий каби буюк аждодларимиз яшаб ўтган қадимий шаҳарда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ишлари нақадар кенг кўламли бўлганини ўз кўзимиз билан кўриб, катта таассурот олдик. Зеро, Хива шаҳри ҳуснига ҳусн қўшиб турган Саид Алоуддин мақбараси, Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси, Калта Минор, Жума масжидлари, Кўҳна Арк, Боғча, Тошҳовли, Ҳазорасп, Қўш дарвозалар, Ичан қалъа, Дишан қалъадаги меъморий обидалар юртимизнинг жуда қадим ва мазмунли тарихга эга эканидан далолатдир.

Айниқса, Ичан қалъадаги музей-қўриқхона барчамизни ҳайратга солди. Кўҳна Аркда Хоразм тарихи тўғрисидаги, Муҳаммад Раҳимхон II мадрасасида тарих ва адабиётга оид, Абдуллахон мадрасасида табиат қонуниятларига оид, Шерғозихон мардасасида табобатга оид кўҳна бебаҳо адабиётларни, Тошҳовлидаги ҳунармандчилик, Исломхўжа мадрасасида халқ амалий санъати наъмуналарини, Муҳаммад Паноҳ мадрасасида «Авесто» китобини, Қози Калон мадрасасида мусиқа илми сирларига оид адабиётларни ва амалий санъат буюмлари кўргазмасини кўриб, шундай маънавий жиҳатдан тўкис, бой миллий меросимиз борлигидан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Келгусида маҳалламиз ёшлари учун ҳам Хоразмга саёҳат уюштиришни режалаштирдик.

**Зуҳра МУСТАҚИМОВА,**
**Чоштепа маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

# Доноларнинг дурдона фикрлари

***Ҳар кимни ҳам сирингга маҳрам дема, бу сифат олам аҳлида кўп дема. Сирингни асраш ўзингга малолдир, бошқа бировнинг уни асрамоғи маҳолдир. Ўз хазинангни ўзинг очсанг ва махфий дурларингни ҳамма ёққа сочсанг, териб олган киши уни сепмай нима қилади ва «асра!» деб қойиганинг қаерга боради?***

*Алишер НАВОИЙ*

***Ҳаддан зиёд шафқатсизлик қилганлар охир-оқибат муваффақиятсизликка учрайдилар. Мулойимлик эса атрофдагиларни занжирбанд этади.***

*Сюн-ЦЗИ*

***Одамлар бирор янгилик яратишдан аввал вақтдан ўрнак олишса, яхши бўларди. Чунки вақт энг буюк ўзгаришларни ҳам аста-секин, сездирмай амалга оширади. Акс ҳолда, ҳар қандай янгилик қутилмаган тасодифга айланиб қолади. Яна шуни айтиш жоизки, ҳар қандай янгилик доимо кимгадир бахт, кимгадир кулфат олиб келади.***

*Фрэнсис БЭКОН*

***Агар ҳеч нарсадан чўчишни истамасангиз, ҳар бир нарсадан чўчишга асос борлигини ёдда сақланг.***

*СЕНЕКА*

Ажабо!

# ОЛИМПИАДА УЧУН МАХСУС АВТОБУС

***Маълумки, Хитойда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари муносабати билан мамлакатнинг йирик шаҳарларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Хусусан, Олимпиада пайтида шаҳарда сайёҳлар сонининг кўпайишини эътиборга олган хитойликлар махсус "А-380 шаҳар лайнери" деб ном олган суперавтобусни яратишди.

Ҳажмининг катталиги билан 2007 йилги жамоат транспортлари кўргазма-ярмаркасида барчанинг эътиборини қозонган мазкур автобуснинг узунлиги 25 метр бўлиб, 350 нафар йўловчига мўлжалланган. Транспорт соатига 82 километр тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга.

Айни пайтда "А-380 шаҳар лайнери" дунёдаги энг узун автобус деб ҳисобланмоқда. Мазкур автобусни ишлаб чиқарган Хитойнинг "Циннянь" (Ёшлик) компанияси ҳали кенг омма орасида машҳур бўлмаса-да, мамлакатдаги жамоат транспортини ишлаб чиқарувчи илғор корхоналар қаторидан жой олишга муваффақ бўлган.

Утерянный круглый печать и угловой штамп выданный на ТЧСЖ "OROM KOMMUNALCHI-IKKINCHI" Чиланзарского района г. Ташкента считать не действительным.

Тошкент Архитектура-Қурилиш институти томонидан 2003 йилда Сайдалиев Сайдикром Сайднабиевич номига берилган BN 112250 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 9 июлда рейстрдаги тартиб рақами — 0923182 бўлган Абдурахимов Абдулатиф Тургунович номига берилган патент йўқолганлиги сабаб бекор ҳисобланади.

"ЕРА"хусусий ишлаб чиқариш корхонаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади. Даъволар 269-10-99 телефони орқали бир ой муддат ичида қабул қилинади.

В связи с утерей лицензионной карточки АТ 0016976 выданной ЧФ "LUAL" на право осуществления пассажирских перевозок на автомобиль Газ 2410 гос. 10Z2450 считать не действительной.

Mahalla

**Таҳрир ҳайъати:**
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ёчим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳих: Шаҳноза Эргашева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 23 июль
30 (632)

11294 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 00.00
1 2 3 4 5 6